



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Абдухалилов Асадбек Аброр ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 208-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14789402>

ARTICLE INFO

Received: 27th January 2025
Accepted: 29th January 2025
Published: 31st January 2025

KEYWORDS

*Ҳамкорлик, ички ҳамкорлик, нодавлат-
нотижорат ташкилотлар, ташқи
ҳамкорлик, маътдуот ва ахборот
алмашинуви.*

ABSTRACT

*Ушбу мақолада профилактика
инспекторининг жамоат тузилмалари
билан ҳамкорлиги тушунчаси,
ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари,
ҳамкорлик қилишда юзага келадиган
муаммо ва камчиликлар, шунингдек, ушбу
муаммо ва камчиликларни бартараф этиш
бўйича бир қатор таклифлар, илғор хориж
тажрибаси ва миллий қонунчилигимизнинг
ўхшаш ва фарқли томонлари, ҳамкорликни
такомиллаштириш йўналишлари
ёритилган.*

Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларни бўш вақтларини унумли ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда профилактик чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

1999 йил 14 апрелда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборатлигини белгилаб берди.

Таъкидлаш жоизки, маҳалларда хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тадбирларнинг самарали ташкил этилмаганлиги ҳамда жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмаганлиги натижасида айрим ҳудудларда оғир турдаги жиноятларнинг содир этилишига ҳам йўл қўйилди. Бугунги кунда ҳар бир маҳалла ҳудудида умуман жиноят содир этилмаслигини олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг олиб борилаётганлиги ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Қайд этиш жоизки, салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинигина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак¹. Зеро, жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олишда жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга хизмат қилади. Жамоат тузилмалари ижтимоий соҳадаги ваколатлари манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш, кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда амалга оширилмоқда². Бугунги кунда жамоат тузилмалари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, уларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, оилада содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, маъмурий ҳудудда яшовчи ноқобил ва жанжалкаш оилаларни аниқлаш, ундаги ижтимоий руҳий муҳитни соғломлаштириш, салбий хулқ-атворга эга бўлган шахсларда жамиятга нисбатан ижобий дунёқарашни шакллантириш ва улар томонидан ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олишни таъминлаш борасида сезиларли даражада ишлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуришнинг асосий вазифалардан бири этиб, фуқаролик жамияти барпо этиш, юксак даражада уюшган, батартиб муносабатлар тизимига таянган ҳолда ўзини ўзи бошқариш механизмлари ташкил этилди. Бу механизмларни жамоат ташкилотлари ташкил этади. Шуниси эътиборлики, дунёнинг камдан-кам мамлакатаида учрайдиган бундай ноёб ижтимоий тузилма ўзининг демократлиги ва изчил бошқарувга асосланганлиги билан ажралиб туради. Яъни, бу органлар жойларда бир қатор ижтимоий ҳимоя, иқтисодий масалалар, маданий-маърифий соҳа, атроф-муҳит ҳимоясига оид давлат зиммасида бўлган кўплаб масалаларни ишонарли адо этиб келмоқдалар.

Профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг қошида ташкил этилган жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин. Сўнгги йилларда жамоат тузилмаларининг фаолиятини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва ушбу жараёнда иштирок этувчи субъектларнинг вазифалри, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги асосий вазифалари янги қабул қилинган меърий ҳужжатларда белгилаб берилди.

Таъкидлаш керакки, жамоат тузилмалари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида уларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профиетикасини амалга ошириш, илгари судланган, спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи, енгил табиатли аёллар ва фоҳишалар, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар, диний экстремистик оқимга мансуб ёки хайрихоҳ бўлган шахслар яшовчи, кам таъминланган оилалар сони ва уларнинг турмуш тарзини аниқлаш бўйича қатор вазифаларни амалга

² Рузиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил): Афтореф. юрид. фан. док. –Т., 2016. –Б. 17.

оширади. Шунингдек, фуқаролар йиғини хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ҳам кўради.³

Давлат ва жамият бошқарувида кенг жамоатчиликнинг иштироки: *биринчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қуватланиши; *иккинчидан*, жамоат назоратини амалга ошириш; *учинчидан*, давлат органларининг айрим ваколатларини нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказиб бориш; *тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали таъминланади⁴.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар асосида ташкил этилган ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва у ерда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида комплекс тарзда ўрганилмаган. Бу эса, ўз вақтида ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқот ўтказишни тақозо этди.

Жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини шакллантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар, хусусан суд – ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар жараёни ва натижалари илмий таҳлил қилинди, учинчидан, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш жараёни ва натижалри илмий таҳлил қилинди, тўртинчидан, сиёсий тизимни демократлаштириш ва суд – ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир илмий хулосалар чиқарилди

Мамлакатимизда барча соҳаларда ўтказилаётгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қатор демократик ислоҳотлар ўтказилмоқда, ушбу ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилгандир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда⁵.

«Маҳалла бу – одамларнинг ўзлари томонидан сайланадиган ва фақат моддий нуқтан назардан эмас, балки оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, шахслар ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатларга таъсир кўрсатувчи ўзини ўзи бошқариш органидир».

Мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштириш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги ва “Ички ишлар

³Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонуни.

⁴Тошев Б. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – № 4. – Б. 54–56.

⁵Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 56 б.

органлари” тўғрисидаги қонун, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, марказий бошқарув аппарати оптималлаштирилиб, бўш қолган лавозимлар қўйи бўғинларга берилди. Ўтган йиллар ичида асосий қонунимизга таяниб республикамизда ички ишлар тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди⁶. Ушбу суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланди, бу борадаги ҳалқаро миқёсдаги стандартлар ва нормалар тан олинди ҳамда миллий қонунчилигимизга жорий этилди⁷.

Жиноятчиликка қарши кураш амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторларининг “Фуқаролар йиғини раиси билан ҳамкорлиги” қўйидагиларда намоён бўлади *биринчидан*, биргаликда келажақда қилинадиган ишлар юзасидан режалар тузиш; *иккинчидан*, ҳуқуқбузар ва жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни ўзаро алмашишда; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноятларнинг сабаб ва шароитларига имкон берувчи омил ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишда; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишда ўзаро ахборот алмашиш жараёнида намоён бўлади.

Шунингдек, профессор И.Исмаилов бу борадаги ҳамкорликни шартли равишда қўйидаги тўрт йўналишга, яъни, ички идоравий ҳамкорлик, идоралараро ҳамкорлик, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва халқаро ҳамкорликка ажратади.⁸ Ушбу фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари жиноятларни олдини олишдаги ҳамкорликни иккига: а) ички ҳамкорлик; б) ташқи ҳамкорликка шаклларига ажратиш мумкин.

Ички ҳамкорлик – ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторларининг жиноятларини олдини олиш ва уни иссиқ изидан очишда амалга ошириладиган ҳамкорлигидир. Бунда ички ишлар органлари соҳа хизматларининг ўзаро амалий фаолияти ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ташқи ҳамкорлик – ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика инспекторларининг жиноятларини олдини олишда кўнгилли жамоатчилик вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро узвий фаолияти.

Маълумки, жамиятда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган вазифадир. Лекин ушбу вазифани амалга ошириш давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг бу жараёнда иштирок этишларини талаб қилади. Чунки «жиноятчиликка қарши кураш кенг жамоатчилик асосида, барча давлат ва жамоатчилик механизмларини фаол жалб қилган ҳолда амалга оширилсагина самарали

⁶Соатов М.З. Ўзбекистон Конституцияси – ички ишлар органларида тизимида амалга ошириладиган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси «Конституция давлат ва жамият қурилиши ислоҳотларининг асоси» Илмий-назарий конференция материаллари тўплами. «тўплам .ТДЮИ нашриёти 2006. –Б. 252-256.

⁷Парпиев Ҳ. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий жазоларни либераллаштириш. // ТДЮИ Ахборотномаси, 2009, -Б.66.

⁸Исмаилов И. Терроризмга қарши кураш// қонун ҳимоясида.-2004.-№7.-30-31 б.

бўлиши мумкин»⁹.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининггина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак»¹⁰. Зеро, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш учун «давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қўйи тизимга, шу жумладан ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади»¹¹.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчиликнинг иштироки: *биринчидан*, жамоат ташкилотларининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қуватланиши; *иккинчидан*, жамоат назоратини амалга ошириш; *учинчидан*, давлат органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш; *тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали таъминланади¹².

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Конституция ва қонунларимизда, айниқса, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устувор вазифалардан бирига айланди. Айтиш жоизки, ушбу ислоҳотлар натижасида вужудга келган ички ишлар органлари, ички ишлар органлари таянч пунктларининг асосий мақсади ҳам кеча-ю кундуз узлуксиз равишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборатдир¹³.

Профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги деганда ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлиги таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларни амалга оширишда ҳамкорлик тушунилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонунининг 21-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг

¹⁰Каримов И.А Қаранг: Бабаев М. М. Пути совершенствования мер по предупреждению преступности. – М.,. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 205.

¹¹ Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т, 2002. – Б. 325.

¹²Тошев Б. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2002. – № 4. – Б. 54-56.

¹³Соатов М. Милиция таянч пунктларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари // Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезони: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2004. – Б. 113.

ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштирокининг белгилаб берилганлиги ички ишлар органларининг, ички ишлар органлари таянч пунктлари негизидаги жамоатчилик билан ҳамкорлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилди. Аслида, жиноятчиликларнинг олдини олишда дастлабки фаолият билан асосан жамоатчилик, оила, мактаб, меҳнат жамоалари шуғулланишлари лозим¹⁴.

Ҳозирги кунда таянч пунктлари негизида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида қуйидаги жамоатчилик тузилмалари фаолият юритмоқда:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар ҳузуридаги комиссиялар;
- Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис;

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ички ишлар идораларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар туфайли профилактика хизматларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини йўлга қуйилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазибаларидан келиб чиққан ҳолда профилактика (катта) инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, маъмурий ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўриш;
- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш ва бошқалар.

Ҳулоса қилиб айтганда профилактика инспекторлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйса хизмат қилаётган маҳалласида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик барвақт олдини олишга хизмат қилади. Профилактика инспекторлари нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳозирги кунда ижтимоий профилактика чора-тадбирларини амалга оширишига тўлиқ мос келади. Профилактика инспекторларининг

нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни доимий равишда амалга ошириши келгусидаги ишларининг самарали бўлишига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижанов халқимиз билан қураимиз.Т, 2017. – Б.19.
2. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т, 2017. – Б.16.

¹⁴Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. // Дарслик. – Т., 1996. – Б. 182.

3. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т, 2017. – Б 8.
4. : Қодиров Қ. Б. Ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан қонунчиликни мустақамлашдаги ҳамкорлиги // Ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари. – Т., 2004. – Б. 53–54.
4. П.Бобожонов.Ишки ишлар вазирлигида чорак якуни муҳокамаси// Постда.№36. 2019 йил 4 апрель.
5. о'g'li Mustofaqulov BA, о'g'li Du'smatov S.R. OZODLIGINI CHEKLASHGA HUK ETGAN SHAXSLAR BILAN ISHLASH // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi yangiliklari. – 2024. – Т. 1. – Yo'q. 6. – 188-192-betlar.
6. о'g'li Mustofaqulov BA, о'g'li Du'smatov SR OZODLIGINI CHEKLASHGA MAHKUM OLGAN SHAXSLAR BILAN ISHNI TASHKIL ETISH BO'YICHA XORIJIY DAVLATLARNING IQTISODIY TAJRIBASI // New Science Society International Scientific Journal xabarnomasi. – 2024. – Т. 1. – Yo'q. 6. – 193-200-betlar.
7. 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўз Рес қонуни.



INNOVATIVE
ACADEMY